

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI



I
SON

2024

Elektron ilmiy-ommabop jurnal

123-456-7890
@reallygreatsite
www.reallygreatsite.com



**DEMOGRAFIYA
VA MEHNAT
BOZORI**

**2024-yil
1-SON**

Elektron ilmiy-ommabop jurnal
Электронный научно-популярный журнал
Electronic popular science journal

BOSH MUHARRIR:

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

TAHRIR HAY'ATI:

Abduraxmonov Qalandar Xodjaevich, i.f.d., akademik.
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof.,
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof.,
Maxkamov Baxtiyor Shuxratovich, i.f.d., prof.,
Nasimov Dilmurod Abdulloyevich, i.f.d., prof.,
Arabov Nurali Uralovich, i.f.d., prof.,
Bobonazarova Jamila Xolmurodovna, i.f.d., prof.,
Irmatova Aziza Baxromovna, i.f.d., prof.,
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna, i.f.d., prof.,
Bekmurodov Adxam Sharipovich, i.f.d., professor
Axmedov Durbek Quدراتillaevich, i.f.d., professor
Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich, i.f.d., prof.
Usmanov Anvar Saidmaxmudovich, i.f.d., professor
Qodirov Abdurashid Madjidovich, i.f.d., professor
Hermann Sterzinger, i.f.d., professor (Germaniya)
Ergashxodjaeva Shaxnoza Djasurovna, i.f.d., professor
Tomash Kuchera, i.f.d., professor (Chexiya)
Abrorov Sirojiddin Zuxriddin o'g'li, PhD
Xodjayeva Nodiraxon Abdurashidovna, i.f.n., dotsent
Qurbonov Samandar Pulatovich, PhD, dotsent
Ashurzoda Luiza Muxtarovna, PhD, dotsent
Ismailova Nilufar Sobitdjanovna, i.f.n.
Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li, PhD
Asqarova Muhabbat Ibraximovna,
Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o'g'li,
Xolmatov Muhridin Mo'min o'g'li,

MUNDARIJA

Абдурахманов Каландар Ходжаевич, <i>«Человеческий капитал в условиях цифровизации экономики».....</i>	4
Umurzakov Bahodir Xamidovich, <i>O'zbekistonda demografik rivojlanishning ta'lim tizimiga ta'sir etish jihatlari.....</i>	20
Usmanov Anvar Saidmahmudovich, Bahriddinova Muazzam Azam qizi, <i>Dunyodagi demografik vaziyat va uning rivojlanish istiqbollari.....</i>	34
Зокирова Нодира Каландаровна, Шакаров Зафар Гаффорович, <i>Человеческий капитал в условиях внедрения искусственного интеллекта: вызовы и перспективы.....</i>	46
Мамадалиева Хафиза Холдаровна, <i>Авлодлараро трансферлар ўзбекистон иқтисодиётини ўзгартириш шароитида камбағалликни бартараф этиш воситаси сифатида.....</i>	62
Юлдашев Нурбек Нормуродович, <i>Аҳолининг яқка тартибдаги тадбиркорлик (ЯТТ)ни ташкил этиши ва ўзини ўзи банд қилишининг яширин иқтисодиётни қисқаришига таъсири.....</i>	79
Ташбаева Рано Гайбуллаевна, <i>Многомерная бедность как индикатор социального благополучия населения Республики Узбекистан.....</i>	89
Камилова Наргиза Абдукахоровна, <i>Конкурентоспособность стран в мировом хозяйстве в условиях цифровизации экономики.....</i>	98
Rozmatova Umida Yuldashevna, <i>Nomoddiy aktivlar hisobini shakllantirish.....</i>	105
Mirzayeva Matluba G'aybulla qizi, <i>Banklar faoliyatida raqamli texnologiyalarni qo'llash orqali aholini bandligini ta'minlash.....</i>	112
Yunusova Ug'iloy Bolqiboy kizi, <i>The impact of increasing the competitiveness of tourist areas on the level of employment.....</i>	121
Chinorova Shahodat Mansur qizi, <i>The role of higher education institutions in enhancing the attractiveness of human capital.....</i>	130
Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir ugli, <i>The use of digital tools in the management of migration processes.....</i>	136
Asqarova Muhabbat Ibraximovna, <i>O'zbekistonda demografik jarayonlarning hududiy tahlili.....</i>	143

АҲОЛИНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛИК (ЯТТ)НИ ТАШКИЛ ЭТИШИ ВА ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШНИНГ ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИ ҚИСҚАРИШИГА ТАЪСИРИ

Юлдашев Нурбек Нормуродович
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтининг бош мутахассиси, (катта илмий ходим, PhD)
yuldashev-nurbek@list.ru

Аннотация: Ушбу мақолада аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши ва яширин иқтисодиётнинг қисқаришига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири — якка тартибдаги тадбиркорлик ташкил этиш ва ўзини ўзи банд қилиш таҳлил этилган. Аҳолининг ЯТТ ташкил этиши ва ўзини ўзи банд қилиши юқоридаги жараёнларга таъсир этиш билан бирга, норасмий бандлик қисқартириш орқали давлат бюджетига тушумлар ҳажмини ҳам орттиради.

Калит сўзлар: якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ), ўзини ўзи банд қилиш, базавий ҳисоблаш миқдори, минимал истеъмол харажатлари қиймати, даромадлар, камбағаллик, солиқ тушуми, норасмий бандлик.

ВЛИЯНИЕ САМОЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ И ОРГАНИЗАЦИИ ИНДИВИДУАЛЬНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА НА СОКРАЩЕНИЕ ТЕНЕВОЙ ЭКОНОМИКИ

Юлдашев Нурбек Нормуродович
Главный специалист Института
макроэкономических и региональных исследований при
Кабинета Министров Республики Узбекистан
(старший научный сотрудник, PhD)

Аннотация. В данной статье анализируется один из важных факторов, влияющих на повышение уровня жизни и снижение теневой экономики – создание индивидуального предпринимательства и самозанятости. Создание ИП и самозанятости населения влияет на вышеуказанные процессы и увеличивает объем поступлений в государственный бюджет за счет сокращения неформальной занятости.

Ключевые слова: бедность, индивидуальное предпринимательства, самозанятость, базовая расчётная величина, стоимость минимальных потребительских расходов, доходы, налоговые поступления, неофициальная занятость.

THE IMPACT OF SELF-EMPLOYMENT OF THE POPULATION AND ORGANIZATION OF INDIVIDUAL ENTREPRENEURSHIP ON POVERTY INFORMAL ECONOMY

Yuldashev Nurbek Normurodovich-

Chief specialist at the Institute of Macroeconomic and Regional Studies under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan (Senior Researcher, PhD)

Abstract. This article analyzes one of the important factors influencing the improvement of living standards and reduction of informal economy – the creation of individual entrepreneurship and self-employment. In addition to their impact on poverty and living standards, these factors increase the volume of revenues to the state budget due to the reduction of informal employment.

Keywords: poverty, individual entrepreneurship, self-employment, base calculation value, cost of minimum consumer expenditures, income, tax revenues, informal employment.

Кириш. Маълумки, одатда аҳолининг энг паст даромадли ва камбағал қатлами тез-тез меҳнат фаолиятини алмаштириб туради. Янги турдаги фаолиятни ташкил этишда қийинчиликларга учрайдиган бўлса, кўпроқ иқтисодийнинг норасмий секторига, яширин тарзда даромад топиши мумкин. Паст даромадли қатламнинг даромади ўртача ва юқори бўлган қатлам вакилларига нисбатан яқка тартибдаги тадбиркорлик (ЯТТ) билан кўпроқ шуғуланиши ёки ўзини ўзи банд қилиш орқали турмуш кечириши ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам хосдир.

Аҳоли орасида ишсизлик ва камбағалликнинг қисқариши ҳамда норасмий ва яширин иқтисодий улушининг камайишида ЯТТни ташкил этган ҳолда фаолият олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва қатор олимларнинг фикрига кўра, мамлакат ҳукумати томонидан бизнесга кенг йўл очилиши, ушбу йўналишдаги енгилликлар, хусусан, иқтисодий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлов тадбиркорликнинг ушбу шакли кенгайишига сабаб бўлади.

Бу борада Ўзбекистонда ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ЯТТ ташкил этиб меҳнат фаолиятини амалга ошириши тартиби мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ йўлга қўйилган бўлса, ўзини ўзи банд қилиш орқали норасмий бандликдан чиқишига олиб келадиган ислохотлар 2019 йилдан бошланган [1]. Сўнгги йилларда ислохотлар изчил давом эттирилиб, аҳолининг ЯТТ ташкил этиши, айниқса, ўзини ўзи банд қилиш орқали даромадларини шакллантиришига кенг йўл очилди. Жумладан, ЯТТ ташкил этиш ва юритиш тартиблари осонлаштириштирилди, қатор

банк ва молиявий енгилликлар тақдим этилди. Ўзини ўзи банд қиладиган фуқаролар учун ижтимоий солиқ пасайтирилиб, фаолият турлари 4 баробарга оширилди [2].

Ушбу мақолада бандликни ана шу икки шаклида фаолият юритиш орқали яширин иқтисодиёт қисқариши таҳлил этилган.

Адабиётлар шарҳи. Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) тавсиясига кўра, иш билан банд аҳоли орасида энг паст даромадли ва ижтимоий-иқтисодий кўллаб-қувватловга муҳтож қатлам – бу илк бор ЯТТ ташкил этган ва ўзини ўзи банд қилган аҳолидир [3]. Ташкилот таҳлилларига кўра, дунё бўйича аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш даражаси ўртача 42,5% ни ташкил этмоқда. Яъни иш билан банд аҳолининг деярли ярми ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига даромад топади. Дунё минтақаларида бу рақамлар кескин фарқланади, жумладан, ривожланиши суст ёки паст даромадли мамлакатларда ўзини ўзи банд қилиш даражаси 76,5% ни ташкил этса, аҳолиси ўртача даромадли мамлакатларда ушбу рақам 46,2% ни, юқори даромадли мамлакатларда 10,0% ни ташкил этади. Шу билан бирга, ривожланаётган мамлакатларда ўзини ўзи банд қилиш ва норасмий бандликда аёллар иштироки юқорилигича қолаётгани ҳамда уларнинг меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя қилинмаслиги, натижада камбағаллик ҳолатига тушиш хавфи остида яшаётгани тадқиқотларда акс этган (Women in Informal Employment: Globalizing and Organizing (WIEGO)) [4], [5].

Жаҳон тажрибасида баъзи олимлар аҳолининг ўзини ўзи банд қилиши одатда кичик бизнес ёки норасмий бандликнинг бир кўриниши сифатида қайд этса-да, ушбу жараён биринчи навбатда ишсизликни қисқартириш ҳамда аҳолининг даромад топиши, истеъмол даражаси ортиши ва натижада камбағалликдан чиқишига кучли туртки бўлади. [6], [7].

Жумладан, АҚШнинг Корнуэлл университети профессори Гари С.Филдснинг фикрича, “Дунёда аҳолининг камбағалликдан чиқиб кетишнинг асосий усули бу ўзи учун кўпроқ даромад топишдир. Аксарият ривожланаётган мамлакатларда камбағалликдан қутулиш учун етарли даромад топиш имконияти кам бўлганлиги сабабли улар меъёридан ортиқ ишлашади. Камбағалликни қисқартиришда иккита асосий сиёсат тамойили бўлиши керак: ўзини ўзи банд қилувчилар сонини ошириш ва ўзини ўзи иш билан таъминлашдан юқори маошли ишга ўтиш учун кўшимча имкониятлар яратиш [3].

Ривожланаётган мамлакатлардаги меҳнат бозорида ўзини ўзи банд қилган ишчилар, айниқса фермерлар улуши юқори бўлиб, уларни одатда кичик тадбиркорлар деб аташади [6]. Африка ва Жанубий Осиёнинг аксар мамлакатларида ишчиларнинг 3/4 қисмидан кўпроғи фермерлар ёки

қишлоқ хўжалиги бўлмаган соҳаларда ўзини ўзи банд қилганлардир. Кичик тадбиркорлар доимий иш ўрнига эга бўлган ишчиларга қараганда маълумоти пастроқ бўлишади, натижада уларнинг меҳнат бозоридаги фаоллиги бироз ўзгарувчан ва бозорни тарк этиш эҳтимоли юқори бўлади. Шундан келиб чиқиб кичик тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилганларнинг камбағалликда ҳаёт кечириш эҳтимоли бошқа ишчиларга қараганда юқори. Ўзини ўзи банд қилган ишчиларнинг деярли 70%и камбағал ҳолатда турмуш кечирмоқда. Айниқса, КОВИД-19 пандемияси меҳнат бозорига кучли таъсир этди, натижада ишчилар орасида ўзини ўзи банд қилганларнинг улуши ошди.

АҚШдаги Ратгерс бизнес мактаби профессори Хилал Атасойнинг фикрига кўра [7], аҳоли орасида ЯТТлар сонини кўпайтириш ва бизнесни бошлаш жараёнини соддалаштириш ўз навбатида иш ўринларини яратиши ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириши мумкин, бу айниқса ривожланаётган мамлакатлар учун муҳимдир. Аммо бунга эришиш йўлида кўплаб бюрократик ва маъмурий тўсиқлар бор. Жумладан, тартиб-қоидаларни соддалаштириш, аҳолининг молиявий ва суд тизимларига ишончини мустаҳкамлаш соҳа тараққиёти ва камбағал аҳолини тадбиркорликка ундовчи омиллардандир.

Асосий қисм. Ўзбекистонда аҳолининг ЯТТ субъектини ташкил этиши ҳамда ўзини ўзи банд қилиши орқали яширин иқтисодиётни қисқартириш долзарб бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, ушбу йўналишларда 2020-2023 йилларга оид маълумотлар ҳудудлар ва соҳалар кесимида кўриб чиқилди. Маълумки, бу даврда Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 10,5% дан 6,8% гача, камбағаллик даражаси 17,0% дан 11,0% гача пасайган. Бундан ташқари, ушбу даврда иш билан банд аҳоли орасида расмий бандлар сони 5,7 млн. кишидан 6,5 млн. кишигача ошган бўлса, норасмий бандлар улуши 43,0% дан 39,0% гача пасайди [9]. Ушбу жараёнларнинг рўй беришига хусусан, аҳолининг яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиши ва ўзини ўзи банд қилиши орқали даромад топиши ҳам қисман таъсир этган.

Мамлакатда ЯТТ субъектини ташкил этиб фаолият юритиш мустақилликнинг дастлабки йилларидан йўлга қўйилган бўлса, ўзини ўзи банд қилиш орқали расмий равишда даромад топишга ўтиш тартиби 2019 йилдан бошланди. Ўша пайтда қабул қилинган низомга кўра, ўзини ўзи банд қилган фуқаро меҳнат гувоҳномасини олиш, яъни рўйхатдан ўтишда бир йиллик муддат учун базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ)нинг 4,5 бараваригача пул тўлаган ҳамда жами 24 турдаги касбларда фаолият олиб бориш имконига эга бўлган. Бугунги кунга келиб, фуқаролар ўзини ўзи банд қилишни расмийлаштириш учун БХМнинг 1 баравари миқдорида

ижтимоий солиқ тўлайди ҳамда 101 та касбда меҳнат фаолиятини олиб бориш имконига эга [2].

Сўнгги 4 йиллик (2020-2023 йй) таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, Ўзбекистонда ЯТТ сони 219,1 мингтадан 242,6 мингтагача ошган ёки 10,7% га ўсиш кузатилган. Улар томонидан тўланган солиқ суммаси 286,5 млрд. сўмдан салкам 400,0 млрд. сўмгача ёки 139,3% га ортган [9].

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрдаги 886-сонли “2024-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ [8], ЯТТ субъектлари томонидан тўланадиган олинадиган даромад солиғи, тўлиқ туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетига йўналтирилади. Бу эса ҳудудларни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди.

Амалга оширилган таҳлилларда камбағаллик даражаси юқори бўлган ҳудудларда аҳолининг ЯТТни ташкил этиш даражаси паст эканлигини қайд этиш лозим. Бу маҳаллий бюджетга тушумнинг камайишига, бунинг ортидан камбағалликни қисқартиришга кўмаклашадиган молиявий инструментлар шаклланишида қийинчиликлар юзага келишига сабаб бўлади.

1-жадвал

ЯТТлар сони, тўланган солиқ суммаси ва ўсиш суръатлари

Т/р	Ҳудудлар	2020 йилда ЯТТ сони (мингта)	Тўланган солиқ суммаси (млрд.сўм)	2023 йилда ЯТТ сони (мингта)	Тўланган солиқ суммаси (млрд.сўм)	2020-2023 йилларда ўсиш суръатлари (фоиз хисобида)	
						ЯТТ сони	Тўланган солиқ суммаси
Республика бўйича		219,1	286,5	242,6	399,2	10,7	139,3
1	Қорақалпоғистон Рес.	10,7	12,4	12,7	16,0	18,7	129,0
2	Андижон вилояти	16,6	22,7	17,6	17,5	106,0	77,1
3	Бухоро вилояти	15,9	19,2	16,7	24,8	105,0	129,2
4	Жиззах вилояти	8,1	11,0	8,6	15,7	106,2	142,7
5	Қашқадарё вилояти	18,8	25,4	20,0	28,5	106,4	112,2
6	Навоий вилояти	5,5	5,4	6,3	5,7	114,5	105,6
7	Наманган вилояти	16,7	21,0	16,6	23,9	99,4	113,8
8	Самарқанд вилояти	28,7	30,5	27,4	41,0	95,5	134,4
9	Сурхондарё вилояти	13,0	14,2	14,1	17,4	108,5	122,5
10	Сирдарё вилояти	5,6	7,5	6,6	10,1	117,9	134,7
11	Тошкент вилояти	19,2	23,0	23,8	31,3	124,0	136,1
12	Фарғона вилояти	23,6	29,7	23,5	32,5	99,6	109,4
13	Хоразм вилояти	13,7	15,5	14,6	20,1	106,6	129,7
14	Тошкент шаҳар	22,9	48,9	34,0	114,8	148,5	234,8

Манба: Солиқ қўмитаси маълумотлари.

Ҳудудлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, ўрганилаётган даврда энг юқори ўсиш Тошкент шаҳрида қайд этилган: ЯТТ субъектлари сони 148,5% га, тўланган солиқ суммаси эса салкам 235,0% гача ошган (1-

жадвал). Бундай ҳолатга биринчи навбатда юқори даромадли истеъмолчилар ҳамда йирик бозорларнинг (хомашё учун) пойтахтда мавжудлиги, кўрсатиладиган хизматлар учун юқори ҳақ олиш имкониятининг кенглиги ва бошқа омиллар сабаб бўлган.

Қолган ҳудудларда айрим муаммоли ҳолатларни ҳам кўриш мумкин. Аввало фаолиятнинг бундай тури энг ривожланган, деб ҳисоблаш мумкин бўлган Фарғона, Наманган ва Самарқанд вилоятларида 2020-2023 йиллар давомида ЯТТ субъектларини ташкил этганлар сони камайган. Бироқ яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланган солиқ ҳажми бўйича юқорида санаб ўтилган вилоятлар ҳамда қолган ҳудудлар таққосланаётган даврда ижобий ўсишга эришган бўлса-да, фақат Андижон вилоятининг ўзида ЯТТ субъектлари томонидан тўланган солиқ ҳажми 22,7 млрд.сўмдан 17,5 млрд.сўмгача пасайган.

Ушбу таҳлиллар санаб ўтилган вилоятлар маҳаллий ҳокимликлардан бу борада амалий ва таъсирчан чоралар кўришни, аҳолини яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини ташкил этган ҳолда фаолият юритишга жалб этиш, яширин иқтисодиётни қисқартиришга эътибор қаратишни тақозо этади.

2-жадвал

ЯТТларнинг соҳалар бўйича тақсимланиши (минг бирлик)

Т/р	Ҳудудлар	2023-йилда ЯТТ сони (мингта)	Шундан, соҳалар бўйича							
			Чакана савдо		Хунармандлик		Маиший хизмат		Бошқалар	
			сони	%	сони	%	сони	%	сони	%
Республика бўйича		242,6	118,6	48,9	22,7	9,4	21,7	8,9	79,6	32,8
1	Қорақалпоғистон Рес	12,7	6,9	54,3	0,9	7,2	1,0	7,5	4,0	31,0
2	Андижон вилояти	17,6	7,3	41,7	1,3	7,7	2,1	12,0	6,8	38,7
3	Бухоро вилояти	16,7	8,2	49,1	1,3	8,1	1,6	9,6	5,5	33,2
4	Жиззах вилояти	8,6	4,2	48,8	0,8	9,3	0,5	5,7	3,1	36,3
5	Қашқадарё вилояти	20,0	9,0	44,9	1,4	7,1	1,5	7,4	8,1	40,6
6	Навоий вилояти	6,3	3,1	48,8	0,6	8,9	0,6	8,8	2,1	33,5
7	Наманган вилояти	16,6	6,8	41,3	2,0	12,0	1,6	9,8	6,1	36,8
8	Самарқанд вилояти	27,4	11,8	43,0	3,1	11,4	2,9	10,5	9,6	35,1
9	Сурхондарё вилояти	14,1	7,2	51,2	1,0	6,9	0,7	5,2	5,2	36,7
10	Сирдарё вилояти	6,6	3,0	45,0	0,5	7,7	0,6	9,3	2,5	38,0
11	Тошкент вилояти	23,8	12,8	53,9	1,9	8,1	2,1	8,8	6,9	29,2
12	Фарғона вилояти	23,5	11,8	50,2	2,9	12,4	1,9	7,9	6,9	29,5
13	Хоразм вилояти	14,6	6,3	43,3	1,8	12,2	1,7	11,5	4,8	33,0
14	Тошкент шаҳар	34,0	20,1	59,0	3,1	9,2	3,0	8,7	7,9	23,2

Манба: Солиқ қўмитаси маълумотлари.

ЯТТ субъектларини ташкил этган ҳолда фаолият юритишда соҳалар бўйича тақсимот ҳам муҳим (2-жадвал). Одатда ҳудудларнинг ихтисослашуви, аҳолининг бандлик ҳолати ва менталитети қайси соҳа ва касбда фаолият юритиш нисбатан қулай, сердаромад ва барқарор эканлигини белгилайди. Мамлакатимизда аҳоли асосан чакана савдо ва

баъзи маиший хизмат турлари бўйича яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектларини ташкил этаётган бўлсада, сўнгги йилларда замонавий касблар, юксак технологиялар ёрдамида фаолият (турли хоржий тилларни ўқитиш, IT-технологиялар ва ҳок) олиб борувчи субъектлар ҳам кўпаймоқда. Таҳлилларга кўра, 2020 йил давомида Ўзбекистонда 561,2 минг нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган бўлса, 2023 йил якунида 2 533,9 минг фуқаро бандликнинг айнан шу шаклида ҳисобга олинган (3-жадвал). Бу даврда ўзини ўзи банд қилганлар сони 4,5 бараварга ошган бўлса, уларнинг ижтимоий солиқ шаклидаги жами тушуми 125,3 млрд. сўмдан 861,5 млрд. сўмгача ёки 7 маротабага ошган.

Таҳлил этилаётган даврда ўзини ўзи банд қилганлар сони ва ўзини ўзи банд қилиш даражасининг (ХМТга кўра, жами бандларга нисбатан ўзини ўзи банд қилганлар улуши) ўсиши ҳудудларда турлича кечган.

Бу борада энг юқори ўсиш Қашқадарё вилоятига тегишли бўлиб, унда таҳлил этилаётган даврда кўрсаткичлар 7 мартадан ортиққа ўсган. Жиззах вилоятида 6 баравардан, Сурхондарё, Хоразм, Навоий ва Сирдарё вилоятларида 5 баравардан ортиққа ўсган бўлса, нисбатан пастроқ ўсиш Андижон (3,7), Фарғона (3,6) ва Наманган (3,6) вилоятларида қайд этилган.

3-жадвал

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сонининг ўсиш суръати (минг нафар)

Худудлар	2020 йилда	Ўзини ўзи банд қилиш даражаси (% хис)	2023 йилда	Ўзини ўзи банд қилиш даражаси (% хис)	2021-2024 йиллардаги ўсиш (баравар)
Республика бўйича	561,2	4,2	2533,9	18,1	4,5
1 Қорақалпоғистон Рес	24,8	3,6	108,8	14,8	4,4
2 Андижон вилояти	60,3	4,9	224,4	16,9	3,7
3 Бухоро вилояти	40,0	5,1	177,9	22,2	4,4
4 Жиззах вилояти	17,7	3,3	110,2	19,9	6,2
5 Қашқадарё вилояти	37,8	3,2	270,1	22,1	7,1
6 Навоий вилояти	17,0	4,2	85,9	20,1	5,1
7 Наманган вилояти	53,8	5,0	194,9	17,3	3,6
8 Самарқанд вилояти	78,0	5,5	339,2	22,6	4,4
9 Сурхондарё вилояти	36,7	3,7	194,1	19,2	5,3
10 Сирдарё вилояти	13,6	4,1	68,4	20,2	5,0
11 Тошкент вилояти	37,7	3,2	173,6	14,0	4,6
12 Фарғона вилояти	63,0	4,4	229,7	14,8	3,6
13 Хоразм вилояти	26,2	3,7	137,9	17,8	5,3
14 Тошкент шаҳар	54,6	4,4	218,8	15,7	4,0

Манба: Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитаси маълумотлари.

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг даромадлари шаклланиши ва ортишида фаолият йўналишлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Ҳозирда ўзини ўзи банд қилиш фаолият турлари асосан қишлоқ хўжалиги, маиший ва ижтимоий йўналишдаги хизмат турларига тўғри келмоқда (4-жадвал).

Мисол учун, Жиззах вилоятида ўзини ўзи банд қилганларнинг 39,7 %и, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида эса 37,6 %и қишлоқ хўжалигида банд бўлса, Бухоро вилоятида ушбу кўрсаткич 36,5 %ни ташкил этган.

4-жадвал

Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг соҳалар бўйича тақсимланиши
(01.01.2024-й ҳолатига кўра (фоиз ҳисобида))

№	Худудлар	Ижтимоий хизматлар	Саноат хизматлари	Қишлоқ хўжалиги хизматлари	Ахборот коммуникация хизматлари	Маиший хизматлар	Бошқа соҳалар
	Республика бўйича	12,6	11,1	28,4	2,5	36,9	8,5
1	Қорақалпоғистон Р	10,8	6,9	32,3	2,8	36,7	10,7
2	Андижон в	9,2	16,2	25,5	1,9	37,6	9,6
3	Бухоро в	11,0	8,0	36,5	1,5	36,3	6,6
4	Жиззах в	12,1	6,5	39,7	2,0	33,1	6,6
5	Қашқадарё в	16,2	8,9	28,8	1,8	35,4	9,0
6	Навоий в	8,3	6,8	35,1	1,5	42,2	6,2
7	Наманган в	13,6	12,3	33,4	1,6	30,9	8,2
8	Самарқанд в	16,7	11,7	22,0	1,7	38,2	9,7
9	Сурхондарё в	13,6	7,7	37,6	1,9	31,1	8,1
10	Сирдарё в	8,2	7,9	36,0	2,0	35,8	10,1
11	Тошкент в	11,2	9,5	32,7	2,9	36,3	7,4
12	Фарғона в	8,0	21,8	26,8	1,7	33,6	8,1
13	Хоразм в	10,4	9,0	37,6	2,2	34,2	6,6
14	Тошкент ш	16,0	10,1	1,7	9,1	53,5	9,5

Манба: Солиқ кўмитаси маълумотлари.

Таклиф ва хулосалар:

1. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 2023 йил якунларида норасмий иқтисодиёт улуши 323,0 трлн. сўмни (ёки 25,0 млрд. АҚШ доллари), яширин иқтисодиёт ҳажми эса салкам 100,0 трлн. сўмни (7,8 млрд. АҚШ доллари) ташкил этмоқда. Иш билан банд аҳолининг эса 39,0% и иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолият юритмоқда [9].

Мамлакатда аҳолининг ЯТТ ташкил этиш ва ўзини ўзи банд қилиш орқали фаолият юритишга тарғиб этиш учун юқори даражада имконият мавжуд. Ушбу имкониятдан фойдаланиш учун эса, турли институционал, ҳуқуқий ва самарадор чораларни кўриш, биринчи навбатда таҳлилларда нисбатан салбий кўрсаткичлар қайд этилган худудларда аҳолини эркин фаолият юритиши, таъбир жоиз бўлса “яширин жойдан чиқиши”га қаратилган ислохотлар ўтказилиши талаб этилади. Бунинг учун эса аввало аҳоли ўртасида фаолиятнинг ушбу турларини кенг тарғиб этиш зарур.

2. Аҳолининг ўзини ўзи банд этиши ёки ЯТТ ташкил этишига рағбатлантириш аввало уларни яширин иқтисодиётдан чиқариб олиш, яъни аниқ сонини очиклаб олишдан бошланиши лозим. Ҳозирда салкам 5,5 млн. фуқаро норасмий секторда фаолият олиб бормоқда [9]. Уларни норасмий сектордан олиб чиқиш ва ҳеч бўлмаганда ўзини ўзи банд қилишга расмийлаштириш учун эса мавжуд имтиёзларни янада такомиллаштириш, янгиларини жорий этиш лозим. Бунда айрим хорижий давлатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш мумкин.

Мисол учун, Россия Федерациясида ўзини ўзи банд қилиш ислохотлари 2017 йилда бошланган ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга аниқ ва қатъий солиқ миқдори белгиланмаган. Фақатгина 2019 йилга келиб бундай фаолият тури билан шуғулланувчи фуқаролар учун рўйхатдан ўтганидан сўнг янги, “касб даромади солиғи” (налог на профессиональный доход) тўлови жорий этилиб, ўзини ўзи банд қилган шахслар жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишдан олинган даромаддан 4%, юридик шахслардан олинган даромад учун жами даромаднинг 6%и миқдорида тўлов қилган [10].

Шу ўринда илк марта ўзини ўзи банд қилган фуқаролар даромадлари 10 000 рублга еткунига қадар солиқ имтиёзлари (жисмоний шахсларга хизмат кўрсатганда даромадининг 1%и, юридик шахсларга хизмат кўрсатганда 2%и) мавжудлигини, бундан ташқари, бир нечта фаолият турини ҳисобга олмаганда ўзини ўзи банд қилиш мумкин бўлган касблар рўйхати чекланмаганлиги ҳамда белгиланган миқдорлар камида 10 йил (2028 йилга қадар) ўзгартирилмаслиги ва энг муҳими, мабодо фуқаро рўйхатдан ўтган аммо фаолият билан шуғулланмаган бўлса, у даромад солиғи тўламаслиги, шундай бўлса-да ўзини ўзи банд қилганлар қаторида имтиёзлардан фойдаланиши мумкинлигини қайд этиш лозим [10].

3. Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар орасида даромади паст, ишсиз ва камбағал қатлам аъзолари кўпчилик бўлишини инобатга олиб, уларнинг фаолиятини дастлабки йилларида ижтимоий нафақа, моддий ёрдам ва бошқа ижтимоий тўловлар билан ёки номолиявий кўринишдаги имтиёз ва преференциялар орқали қўллаб-қувватлаш механизмларидан фойдаланиш мумкин. Жумладан:

- кам таъминланган оилалар ўзини ўзи банд қилганида уларга камида бир йил болалар нафақаси ва моддий ёрдам бериш;

- меҳнат бозорига илк бор кириб келган ёки узоқ вақт доимий иш топа олмаган, шунингдек, эҳтиёжманд оилалар вакиллари ўзини ўзи банд қилганидан сўнг ҳам уларга маълум вақт давомида ишсизлик нафақасини ажратиб туриш;

- ўзига хос келишув, яъни “ижтимоий шартнома” тузиш орқали бошқа номолиявий имтиёзларни ҳам таклиф этиш;

- кетма-кет 2-3 йил давомида ўзини ўзи банд қилган ҳолда ижтимоий солиқ тўлаган фуқароларни мактабгача таълим ташкилотлари тўловининг бир қисмидан озод этиш.

4. Аҳоли орасида илк бор ЯТТ ташкил этаётган ва ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлган ёшларга фаолиятини бошлашдан аввал молиявий, ҳуқуқий ва бошқа йўналишдаги келгуси фаолияти учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллаш тизимини жорий этиш мумкин. Ушбу тизим ёш тадбиркорларнинг меҳнат бозорига илк бор кириб келганида яширин иқтисодиётга ўтиб кетмасдан, расмий иш ўринларида даромад олишга тарғиб қилиши зарур.

Ушбу таклифларда назарда тутилган ислохотларнинг амалга оширилиши давлат бюджетига босимни оширади. Бироқ, халқаро тажрибаларда камбағал аҳолини норасмий бандликдан чиқариш ҳамда барқарор даромадларини шакллантиришда энг мақбул усуллар – уларни ЯТТ ташкил этиш ва ўзини ўзи банд қилишдир. Бу давлат бюджетига тушумни оширади, натижада босим камайишига олиб келади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 июлдаги 566-сон “Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида” қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4849607>

3. Gary S.Fields, “Self-employment and poverty in developing countries”. Cornell University, USA, 2019. <https://wol.iza.org/articles/self-employment-and-poverty-in-developing-countries>

4. “Women and men in the informal economy - a statistical brief”. WIEGO and ILO, Geneva, 2019.

5. “Poverty, Inequality & Growth Linkages” WIEGO annual reports. 2020.

6. Yoonyoung Cho “Entrepreneurship for the poor in developing countries”. World Bank, USA, 2020. <https://wol.iza.org/articles/entrepreneurship-for-poor-in-developing-countries>

7. Hilal Atasoy, “Latent entrepreneurship in transition economies”. Rutgers Business School, USA, 2021. <https://wol.iza.org/articles/latent-entrepreneurship-in-transition-economies>

8. <https://lex.uz/ru/docs/6707765>

9. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>

10. Федеральная налоговая служба РФ. <https://npd.nalog.ru/>

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

BOSH MUHARRIR:

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

